

“ТУРКИСТОН УЛАМОСИ” ВА ЯНГИ ДАВР ИЛМ-ФАНИ З.Ш. АБДИРАШИДОВ*

Исмоил Гаспринскийнинг маърифатчилик фаолиятини акс эттирадиган манбалардан бири унинг 1900 йили “Таржимон” босмахонасида нашр кицдирган “Туркистон уламоси” асаидир. Асар ҳажман кичик бўлса хам, бизни Туркистонда етишган кўплаб машойихлар, муҳаддису муфассирлар, факихлар, астроном ва математик олимлар, уларнинг таълиф килган маргуб асарлари билан таништиради. Асарнинг яна бир қимматли жиҳати, у бизга хали номлари яхши таниш бўлмаган уламолар, уларнинг қаламларига мансуб асарларидан маълумот беради. Асарда бъеъзи олимлар Туркистон худудидан ташқарида туғилиб, ижод қилганига қарамай, уларнинг аждодлари туркистонлик бўлганликлари учун улар хам туркистонлик уламолар категорига киритилган. Уларга тегишли қимматли маълумотлар баён этилган.

Охирги тадқикотлар натижаси шуни кўрсатдики, ушбу асар бурсалик Мехмет Тоҳир Бейга тегишли бўлиб, у Туркияда икки бор нашр килинган (1896, 1911). И. Гаспринский ушбу асар тилини бир оз соддалаштириб, айрим ўзгартиришлар билан кискартирилган ҳолда 1900 йили нашр килган¹. У Китобнинг бошидаги “Ноширдан бир сўз”да асарнинг нима учун чоп килинаётганини айтиб ўтади. Лекин бу асар асли бурсалик Мехмет Тоҳир Бейга тегишли экани ҳакида хеч нарса йўқ. Ўзи “Ноширдан бир сўз” дейилганидан хам тушуниш мумкинки, китобни Гаспринский факатгина нашр килган. И. Гаспринский ҳакида ёзган замондошлари хам “Туркистон уламоси”ни унинг асари сифатида тилга оладилар. Уларнинг маколаларида хам бурсалик Мехмет Тоҳир Бей ҳакида бирор гал айтилмайди. Шундай бўлишига қарамай, асарни Гаспринскийнинг маънавий-маърифий соҳада амалга оширган ишлари сирасига киритиб, тадқик этишни лозим топди.

Асар шу вактга кадар маҳсус ўрганилмаган. Исмоил Гаспринский таваллудининг 150 йиллиги арафасида китоб 1900 йилги нашри асосида 2001 йили Озарбайжон Республикаси Мухаммад Фузулийномидаги қўлзёзмалар институти тарафидан озарбайжон ва рус тилларида кайта нашр этилди². Шунингдек, профессор Б.Қосимовнинг “Миллий уйгониш” номли китобида хам ушбу асар кисман таҳлил килинган.

Биз тадқикот обьекти сифатида юкорида номи тилга олинган, кайта нашр килинган нусхани асос килиб олдик.

Дунёвий илмлар олдинги асрларда бизда, яъни Туркистон диёрида ўз тарақкийи аълосига етди. Дунё билан охират илмлари ёнма-ён, бир-бирини тўлдирган ҳолда ривожланди. Афсуски, XIX асарнинг охирига келиб бу илмлар қарама-карши

кўйилиб, дунёвий илмларни тарғиб килувчиларга “коғир”, “даҳрий” деган тамғалар босилди.

Гаспринский дунё ишлари, тараққиёт, ривожланиш учун керак бўлган илим “даҳрийлик”ни тарғиб этмаслигини, аксинча, мусулмон дунёсини хам Farb каби юксакликка олиб боришини тушунтиришга харакат килди. “Туркистон уламоси” мана шу Йўлда килинган ишларнинг кичик, лекин унумли самарасидир.

Гаспринский китобни нашр килишдан кўзлаган мақсадини “Ноширдан бир сўз”да шу тарзда ифодалайди: “Уламо ва ҳукамои исломионнинг таржимаи ҳоллари арашдирилир эса (тадқик қилинса) бир чўк уламонинг туркистонли ўлдиклари кўрилур. Бунларин таълиф этдиклари асарлара бокилир эса улуму фунунинг ҳар турлисидан баҳс этдиклари таҳқик ўлинур. Бу кунда ахолимизинг “керакмас”, “лозим эмас” зан (ўй) қилдиклари ва таҳсилини химмат этмадиклари бир чўк фанларин абау (оталаримиз) аждодимиз замонларинда Туркистонда ва Мовароуннахрда таҳсил этдикларини асарларида кўриюриз”³.

Туркистонлик ва бошқа мусулмон уламолари олдинги асрларда мавжуд барча илим соҳаларида самарали ижод килиб, улар яратган маргуб китоблар кўп асрлар давомида Европа университетларида асосий дарслклар сифатида кўлланилиб келганлигига қарамай, Farbdagilar мусулмон олами жоҳил, динлари эса илм-фан ривожига тўскиялил килади,

деган эътироzlарига Исмоилбей куйидагича жавоб берди: “Оврупода улуму фунун пек оз мунташир улан бир замонда Туркистон китъасинда мустакиллан ақлий ва наклий илмлара чолишмоқда эмишлар. Бунинг бир далили ўлароқ эски турк уламосиндан бир хейлиси ҳаккинда мухтасар маълумот нашр эдиоризки, туркийларнинг истеъоди табияси ва улум ила фунуна хидматлари кўрилсин”⁴.

“Маданияти исломия” асаида эса, яна ўша оврупо олнимларнинг “туркий ҳалклар зехну салоҳиятдан иокис ва ожиз бўлганлигидан кора ва паст ишлардан бошкасига ярамайди” деган фикрларига карши бу миллатнинг идрок-истеъод, зехн ва ақл бобида бошқалардан заррача кам эмаслигини исботлади. “Олами исломиятда машхур ва Оврупо Фарангистон уламосина маълум “муаллими соний” номини касб этмиш Абу Наср Форобий ҳазратлари шу миллатда мансубдирки, хам биринчи уламодан, хам биринчи ҳукамодандир. Али Ҳусайн ибн Сино ҳазратлари Оврупода “Ави Сена” номи ила машхур ўлан экан, ул хам туркистонлидир. Юнон қавми Букрот каби табиб ва Арасту каби филӯсӯф ила ифтихор эдар. Ибн Сино эса, хам табиби машхур.

* Абдирашидов З.Ш. – Мирзо Улугбек номидаги ЎзМУ ўзбек филологияси факультети ўқитувчisi.

хам филгусуфи нодир эди. Ибн Сино Арастунинг акси дагил эди ва лекин Ара-стуниг шогирди ўлмаюб ўзининг истеъдоди аклия ва зехнияси ила Арастуя баробар келмишdir. Ибн Сино Бухоро мевасидир...⁵

Гаспринский Туркистон уламоси дер экан, худудий жиҳатдан хозирги Марказий Осиё, Афғонистоннинг шимоли, Хитой худудидаги Шаркий Туркистонда яшаб ижод килган олимлару машойихлар тўғрисида гапиради. Лекин бу уламо исломият оламининг хам забардаст илм вакиллари эдилар. Шу жиҳатдан хам Туркистон уламоси бутун мусулмон дунёси уламоси сифатида каралган.

“Туркистон уламоси” 10 фаслдан иборат бўлиб, ҳар бири маълум соҳа олимларига бағишланган. Асарда тилга олинган ҳар бир олимга таъриф берилар экан, у ҳақда қисқача маълумот ва унинг каламига мансуб энг машҳур асарлари санаб ўтилган. Фасллар қўйидагилардан иборат:

1. “Туркистонда етишган урафо ва машойихи муқаддасиндан баъзилари”⁶.

Бу фаслда Туркистон диёридан етишиб чиккан тасаввуфнинг забардаст вакилларидан 11 машойихга таъриф берилган ва яна ушбу оқимга мансуб 7 суфийнинг номи тилга олинган. Улар: Шоҳ Накшбанд (в. 791 х.с.), Шайх Нажмиддин Кубро (в. 618 х.с.), Абдулхолик Фиждувоний (в. 618 х.с.), Али Ромитоний Бухорий (в. 322 х.с.), Азиз Насафий (в. 618 х.с.), Шайх Иброҳим Бадахшоний Накшбандий (в. 1160 с.), Амир Бухорий (в. 922 х.с.), Шайх Масъуд Бухорий, Муаййидиддин Жундий, Абу Бакр Шиблӣ (в. 323 х.с.), Мавлоно Шайх Садриддин Куняявий (в. 671 х.с.), Ҳожа Абу Наср Порсойи Бухорий, Абу Сайд Абулхайр, Убайдуллоҳ Ахорий Самарқандий, Ҳожа Аълоутдин Аттор Бухорий, Саъдиддини Кошгари, Абдуллоҳ Кошгари, Абулкосим Гургоний.

2. “Туркистонда етишган муфассирини киром”⁷.

Бу фаслда туркистонлик бутун ислом оламига машҳур 10 муфассир ҳакида маълумот берилган. Улар: Абулкосим Мухаммад бин Умар аз-Замашварий (в. 538 х.с.), Мавлоно Қошгай Сабзаворий, Мавлоно Жамолиддин Абу Абдуллоҳ Балхий (в. 699 х.с.), Мавлоно Шайх Шихобиддин (в. 780 х.с.), Абуллайс Самарқандий, Абу Ҳафс Умар ан-Насафий, Имом Абу Мансур Мотуридий, Мавлоно Шайх Али ас-Самарқандий (в. 927 х.с.), Абу Ҳафс Умар бин Исҳок ибн Аҳмад ал-Ғазнавий (в. 773 х.с.), Ҳофизиддин Абулбаракот Абдуллоҳ бин Аҳмад бин Махмуд ан-Насафий.

3. “Туркистонда етишган мұхаддисини узамо (буюк)”⁸.

Ушбу фаслда бутун ислом оламига машҳур 9 мұхаддис тўғрисида хабар берилган. Улар: Абу Абдуллоҳ Мухаммад бин Исмоил ал-Бухорий (в. 256 х.с.), Мухаммад бин Исо Термизий (в. 279 х.с.), Иброҳим Шокистоний, Абу Абдурахмон Аҳмад бин Шуайб ан-Насой (в. 303 х.с.), Исмоил бин Муслим Шиконий (в. 324 х.с.), Имом Аҳмад бин Ҳанбал (в. 241 х.с.), Абу Мухаммад Абдуллоҳ бин Абдурахмон Дорими (в. 255 х.с.), Абу Бакр Шоший (в. 366 х.с.).

Абу Бакр Аҳмад бин Мұхаммад ал-Хоразмий (в. 425 х.с.).

4. “Туркистонда етишган мұтакаллимин ва фукаҳо”⁹.

Бу фаслда туркистонлик 7 мұтакаллим ва фуқихлар таърифи келтирилган. Улар: Абу Мансур Мотуридий, Мавлоно Бакой Хоразмий (в. 562 х.с.), Абуллайс Самарқандий (в. 373 х.с.), Мавлоно Абдуллоҳ бин Масъуд Бухорий (в. 722 х.с.), Абдуллоҳ бин Умар Исо Абу Зайд Дабусий, Садру-ш-шария Абдуллоҳ бин Масъуд Ҳиравий, Амир Котиб ибн Умар ал-Амидий (в. 758 х.с.).

5. “Туркистонда етишган улуми адабия уламоси”¹⁰.

Ушбу фаслда Туркистон диёрида етишган 11 адаб таърифи берилган. Улар: Абу Наср Исмоил бин ал-Ҳаммод ал-Гавҳарий (в. 393 х.с.), Сирожиддин Юсуф ас-Саккокий (в. 626 х.с.), Алюма Махмуд Ғазнавий, Абу Абдуллоҳ Мухаммад бин Али Термизий (в. 255 х.с.), Абу Иброҳим Форобий (в. 350 х.с.), Мавлоно Ҳасан Сабзаворий, Рашидиддин Ватвот Балхий (в. 587 х.с.), Носир бин Абдусаид бин Али ал-Мутарразий, Абу Бакр Мұхаммад бин ал-Аббос ал-Хоразмий, Муаллим Жоҳиз, Абу Исҳок Саййор ал-Балхий, Тошкандий, Ҳасан бин Мұхаммад бин Ҳасан ас-Сағлий, Абулкосим Балхий (в. 463 х.с.).

6. “Туркистонда етишган соҳиби девон машҳури шуаро”¹¹.

Бу фаслда соҳиби девон бўлган 23 буюк шоир ва шоиралар тавсифи берилган. Улар: Ҳаким Саной Ғазнавий (в. 445 х.с.), Шоҳ Бадаҳшоний, Зоҳир Фарёбий (в. 598 х.с.), Фатавойи Хоразмий (в. 732 х.с.), Камолиддин Чамандий (в. 793 х.с.), Шавкат Бухорий (в. 1108 с.), Султон Ҳусайн Бойқаро, Алишер Навоий (в. 906 х.с.), Асириддин Аҳсикатий (в. 608 х.с.), Сайфиддин Асфаранжий, Махтумкули, Мавлоно Лутфий, Абулғотиҳ Бистий (в. 430 х.с.), Амир Ҳусрав Дехлавий, Мұхаммад Солих, Оиша Самарқандий, Азамат Самарқандий, Мехри, Нуржашон Бегим, Лола Хотун, Асми. Иффатий, Дўхтар Кошгари. Шунингдек Астрободда ижод килган Ҳилолий, исфахонлик Жузвий, кошонлик Завқий, хурносонлик Ҳисолий, техронлик Ҳилатийлар хам турк шоирлари категорига киритилган.

7. “Туркистонда етишган ҳукамо ва атиббо (табиблар)”¹².

Ушбу фаслда туркистонлик 11 ҳаким ва табиб таъриф килинган. Улар: Ибн Сино (в. 428 х.с.), Форобий (в. 339 х.с.), Ҳожа Фаҳриддин бин Авҳадий Сабзаворий (в. 868 х.с.), Ҳаким Азрокий Марвий, Бадриддин Самарқандий, Нажибиддин Абу ҳумо Самарқандий, Абу Язид Балхий, Абдурахмон ал-Ҳасан ал-Қитон ал-Марвий, Абу Иброҳим Гургоний (в. 531 х.с.), Шариф Шарағиддин, Абулабbos Аҳмад бин Табиб Сарахсий (в. 283 х.с.).

8. “Туркистонда етишган нужуми ҳайъат (астрономия) ва риёзийя (математика) уламоси”¹³.

Ушбу фаслда туркистонлик 13 астроном ва математиклар ҳакида маълумот берилган. Улар: Абу Машар Балхий (Европада “Албомазар” номи билан машҳур), Мұхаммад бин Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад бин Касир Фарғоний (в. 266 х.с.), Мұхаммад бин

Мұхаммад Чигманий, Мавлоно Али Күшчи (в. 879 х.с.), Шамсиддин Самарқандий (в. 600 х.с.), авлоди Шоҳ Темурдан Улугбек (в. 863 х.с.), Мұхаммад Хўжандий, Али бин Можур ва унинг ўғли Абулҳасан, Абдуллоҳ бин Саҳл ал-Фарғоний, Абу Райхон ал-Беруний ал-Хоразмий (в. 430 х.с.), Фиёсиддин Жамшид.

9. “Туркистанда етишган тарих ва жўғрофия уламоси”¹⁴.

Бу фаслда 10 тарихчи ва географ олимлар тавсиф килинган. Улар: Фиёсиддин Мұхаммад (Хондамир) (в. 942 х.с.), Мұхаммад Фарғоний, Ҳофиз Абру (в. 834 х.с.), Жамолиддин Атоуллоҳ Найсабурӣ (в. 917 х.с.), Абу Сайд Самъоний ал-Марвий (в. 562 х.с.), Аҳмад бин ат-Табиб ас-Сарахсий, Али Күшчи, Абдураззок Самарқандий, Абу Жаъфар Мұхаммад Мусо ал-Хоразмий, Амир Абдулкарим Бухорий (в. 1246 х.с.).

10. “Турк фуқаҳосидан бázылари”¹⁵.

Ушбу фаслда 10 факихнинг номи ва асарлари сабаб ўтилган. Улар: Абу Мутаббій Балхий, Ҳакимуш-шахид Абулфазл Мұхаммад бин Мұхаммад Аҳмад ал-Марвий, Абулқосим Саффор Балхий, Шамсул-аймма Сарахсий, Қози Абуллайс Мұхаммад бин Аҳмад ал-Бухорий, Фахриддин Али ал-Яздавий, Бурхониддин Марғиноний, Нажмиддин Абу Ҳафс Умар бин Махмуд Аҳмад ан-Насафий, Зайниддин Итобий Бухорий.

Асарда жами 115 туркистанлик уламо, алиб ва шоирлар тавсифи берилган.

Гаспринский туркийларнинг аждодлари ҳар соҳада буюк бўлганлигини кўрсатиб, замондошлирини гафлат уйқусидан уйғотишга, замонавий илмларни эгаллашга чакиришдан умрининг охиригача тўхтамади.

Бир миллат бошка миллат олдida ўзининг илмий, иктисодий салоҳияти билан устун туради. Аксинча бўлмайди. Гаспринский илм олишга, ўқишига тарғиб килар экан, миллатни ушбу йўлда ҳаракат килишга чорлади. “Ҳар миллатинг даражаси дўст ва душман кархисинда рагбати ва аҳамияти кудрати илмия ва иктисодияси-ла мутаносибидир. Жоҳил ва факир бир миллатнинг рагбатда бўлиндиги кўрилмамишdir. Олим, маорифманд ва зангин бир миллатнинг оёқ остинда колдиги казо кўрилмамишdir. Бундан бўйла ҳар кас ўз ҳолинча ва жумла жамоатча тараккиёт илмия ва молия йўлларинда чолицмалидир”¹⁶.

Тараккиёт йўлига кириш учун эса билим олини, ўқиши кераклигини айтади. “Жумла миллатлар(н)инг чолишиб кечдиклари ва шимди бизлар(н)инг чолижажагимиз майдони илм ва маориф, ҳунар ва иктисад майдонидир. Бунга восита ўлажак шайлар – мактаб, тавсии мәълумот, ислоҳи лисон ва адабиётдир. Бунлар соир ўлажакларинг асосидир, бoshидир, мојасидир”¹⁷. Исмоилбей тараккиётга эришининг асос-лари 4 нарсага, яъни мактаб, ўқищ, тил ва миллӣ адабиёт ислоҳига боғлиқ эканлигини кўрсатиб, тараккиётнинг пойдевори мактаб эканлигини яна бир бор таъкидламокда. Ҳаммаси мактабдан, бошланғич тарбиядан бошланади. “Бу жихатда эдилан химмат ва хидмат фаолияти маданиянинг энг ноғеъи, энг шарафлиси. Замони хозир ва истиқбол учун энг самаралисидир”¹⁸ деб ёзган Гаспринский миллат бойларини химмат килишга, миллат тарбияси йўлида беминнат хизмат этишга чорлади.

Бухоро мадрасаларни ҳақида фикр юритар экан, улар авваллари машриқдан мағрибга қадар шуҳрат топган эди, улардан чиқкан уламолар исми шарифларни жумла ахли ирфонни Бухорга муhib ва бурчли килди, деб ёзган эди. Албатта, бир замонлар шундай бўлган эди. Ҳозирда эса мадрасаларда таълим ва тарбия бузилганлигидан хам номи оламга машҳур Туркистан уламосининг ўрнини босадиган уламо чикмаётганлигидан ачиниб, “эски мадраса-лар...да ақл арслонлари, фикр коплонлари, киёс ва тасаввур қаҳрамонлари етишиор ва миллати иларуя ва иларуя чекиорлар эди. Аммо ҳозирдаги мадрасалари миз шўйла душкун хола келдиларки, ...беш юз санадан бери уч юз миллион мусулмон орасиндан на бир Мұхиддин, на бир Сино, на бир Ғаззолий зуҳур этмаю...”¹⁹ деб ёзади.

Гаспринский мусулмон илм-фани, маданияти ва уларнинг ривожи билан боғлиқ жуда кўплаб маколалар эълон килди. Унинг бу килган ишларидан кўзланган асосий максад, мусулмон олами ўзининг олдинги тараккиётига, ҳар жихатдан юксаклик даврига бир назар ташлаб, яна ўша чўқкиларга интилишига эришиш эди. Бунинг учун жамиятнинг ҳар бир аъзоси бир ёқадан бош чиқариши керак. “Қадимчилар” ва “жадидлар” ўртасидаги ихтилофларларга барҳам берилиши, амалга оширилиши зарур бўлган ислоҳотларга ҳеч ким қаршилик килмаслиги керак. Гаспринский ўз маколаларида мана шу ихтилофларни бартараф қилишга, тараккиёт ва юксалишга чакирди.

АДАБИЁТЛАР

1. Yavuz Akpinar. Ismail Gaspirali'ya Atfedilen Bir Eser: Türkistan Uleması. //Modern Türkük Araştırmaları Dergisi. Cilt 2, Sayı 4 (Aralık 2005) Mak. #50, ss. 26-36
2. Туркистан уламоси. (Трансфонелитерация ва рус тилидаги таржимаси). Баку, Ўрек, 2001.
3. Юкоридаги манба. 5-бет.
4. Ўша ерда.
5. Исмоил Гаспрали. Маданияти исломия. // Ёш куч, 2001, 4-сон. Қосимов Б. Миллий уйғониши. Т.: Маънавият. 2002, 184-бет.

6. Қаранг: Туркистон уламоси. Баку, Үрнек, 2001, 6-бет.
7. Қаранг: Юкоридаги манба. 8-бет.
8. Қаранг: Юкоридаги манба. 11-бет.
9. Қаранг: Юкоридаги манба, 13-бет.
10. Қаранг: Туркистон уламоси, 14-бет.
11. Қаранг: Юкоридаги манба, 16-бет.
12. Қаранг: Юкоридаги манба, 20-бет.
13. Қаранг: Юкоридаги манба, 23-бет.
14. Қаранг: Юкоридаги манба, 25-бет.
15. Қаранг: Күрсатылған манба, 27-бет.
16. Бу кунғи масала. Таржимон. 1911 йил, 32-сон.
17. Үша ерда.
18. Бу кунғи масала. Таржимон. 1911 йил, 32-сон.
19. Мадрасаси олия ва мадрасаси олиялар. Таржимон. 1913 йил, 175-сон.

РЕЗЮМЕ

В статье анализируется книга “Ученые Туркистана” изданная И.Гаспринским.

SUMMARY

The article describes the book “Scientists of Turkistan” published by I. Gasprinskiy.